



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 25 » ноябрь

№ 748

Toshkent sh.

Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш, санитария жиҳатидан тозалаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш, санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган давлат ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

2020 йил 17 апрелда Осиё тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ОТБ) Директорлар кенгаши томонидан “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикасига 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган, 25 йил муддатга, 60,0 млн АҚШ доллари миқдорига қарз бериш маъқулланганлиги;

лойиҳанинг умумий қиймати 112,0 млн АҚШ доллари эквивалентини, шундан Ўзбекистон Республикасининг лойиҳани амалга оширишдаги улуши 52,0 млн АҚШ долларини, шу жумладан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклида – 44,01 млн АҚШ долларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) маблағлари – 7,99 млн АҚШ долларини ташкил этиши;

лойиҳани амалга ошириш даври 5 йил этиб белгиланганлиги (2020–2024 йиллар) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа доирасида:

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудларида қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга “Тоза ҳудуд” ДУКлари учун 339 та махсус техника,

8 та мобиль лаборатория, 6 мингта контейнер етказиб берилади ва 13 та сервис марказлари ташкил этилади;

кўшимча 4 млн нафар аҳолига санитария тозалаш хизматлари кўрсатилади.

3. Белгилансинки:

Давлат экология қўмитаси лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш, шунингдек ОТБнинг қарзидан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан ижро этувчи орган ҳисобланади;

лойиҳани амалга ошириш даврида ОТБнинг қарзи бўйича фоизлар ва комиссиялар ОТБнинг қарзи ҳисобидан тўланади;

ОТБнинг қарзини узиш ва фоизларни тўлаш билан боғлиқ харажатлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Тоза ҳудуд” ДУКларининг ўз маблағлари ҳисобидан Давлат экология қўмитаси орқали амалга оширилади.

4. Қуйидагилар:

“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банкининг асосий қарзини қайтариш ва фоизларни тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси бўйича Осиё тараққиёт банкининг асосий қарзини қайтариш ва фоизларни тўлашнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар “Тоза ҳудуд” ДУКлар кесимидаги прогноз жадвали 3-иловага мувофиқ;

“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 4-иловага мувофиқ;

“Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш натижасида республика ҳудудларини санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат экология қўмитаси:

лойиҳа доирасидаги тадбирларнинг самарали амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминласин, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ОТБ талабларига мувофиқ зарур ҳисобот ҳамда ҳужжатларнинг тайёрланишини ва тақдим этилишини ўз вақтида ташкил этсин;

тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш параметрларига мувофиқ лойиҳанинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайдиган ташкилий-техник тадбирларни ўтказсин;